

“Жондор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

“Жондор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 22 июн куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 16⁰⁰ да Жондор туман, Хумин ҚФЙ, Хумин к/қ да “Жондор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Йиғилиш қатнашчиларини соат 15⁰⁰ рўйхатга олиш бошланади.

Жамиятнинг электрон манзили: info@jondorpaxta.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Жамият ижроия органи раҳбарини тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш.
6. Жамиятнинг 2022 йил яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2022 йиллик ҳисоботини ва 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Жамиятнинг тақсимланмаган фойдасини қисман тақсимлаш.
10. Жамият акциядорлари акцияларининг қийматини бир қисмини тўлаб бериш.
11. 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
12. Жамият ҳисобида бўлган жойлаштирилмаган акцияларини бекор қилиш ҳисобига жамият устав фондини камайтириш масаласини кўриб чиқиш.
13. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 25 май 2023 йил ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиши ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш куни олдин) 16 июн 2022 йил ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт, ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт. (жисмоний шахслар учун-нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун-мазкур юридик шахс томонидан берилган)

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Жондор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Жондор туман, Хумин ҚФЙ, Хумин к/қ, электрон почта: info@jondorpaxta.uz, тел: 98-274-76-06.